



Қандай ҳолларда йиғин раиси сайлови ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади?

2-с.

Имконият ва рағбат берсак, натижа кўп куттирмайди

“Ёшларнинг қиммат вақтини бекор ўтказиб, кўчаларда бемақсад юрганини кўрсам, уларга қараб ачинаман”.

3-с.



БУГУНГИ СОНДА:

Бекор юрган, ишсизликдан нолиган одамни учратмайсиз

Азалдан яшаш ҳонадонимиз, кўчаларни тоза ва озода тутиш анъанага айланган. Зеро, обод маҳалла саришта кўча ва хонадондан бошланади. Шу боис ҳар ойда бир мартаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштириб боряпмиз.

2-с.

“Бирор оила нотинч бўлса, тинчимизни унутамиз”

“Маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳудуднинг асосий кириб-чиқиш жойига инсон юзидан ва автотранспортларнинг давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқлайдиган замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилидик”.

5-с.

Ихтисослашган касб-хунар марказлари очилса...

Имконияти чекланган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда касб-хунарга ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода ҳудудларда ташкил этилган мономарказларда махсус ихтисослаштирилган курслар очилса, яхши бўларди. Касблар рўйхати қанча кенгайтирилса, шунча фойдали.

6-с.

Хотин-қизларнинг мақсад ва орзулари ўзгардимиз?..

Сўровномада ҳар бешинчи хотин-қиз давлат ташкилотларида фаолият олиб бориши ва шаҳар ҳудудида яшовчилар орасида уларнинг улуши бироз кўплиги (23 фоиз) аниқланди. Уй бекалари орасида кўпчиликни қишлоқ ҳудудларида яшовчи аёллар (30,8 фоиз) ташкил этди.

7-с.

Туғуруқхона дабдаба маскани эмас!

Исроф — ҳаддан ошиш, вақтни, маблағни лойиқ бўлмаган ўринга ёки гуноҳ ишларга сарфлашдир. Ёш онани турили куз ва суқларга рўпара қилгандан кўра, маъқул бир суратда уйга олиб келиб, дуо олиш керак. Ўша дабдабаларга кетаётган маблағ бева-бечорага ёки бирор муҳтож талабага берилса, уларнинг хурсандчилиги сабаб бўлади.

8-с.



Ўзбекистон ма аллалари уюшмаси пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” ме монхонасида малака ошириш ў ув-семинари ташкил этди

Маҳаллада ҳаёт бир зум тўхтаб турмайди. Одамлар кундалик ташвишлари, турли ҳаётий масалалар билан йиғинларга мурожаат қилишади. Кимнидир ишсизлик қийнаса, кимдир ижтимоий кўмакка муҳтож, яна кимнингдир беморлик бошига тушган. Бошқа биров тadbиркорликни йўлга қўймоқчи, ёшлар ўз иқтидорини намойиш этишда маслаҳатга эҳтиёж сезади. Умуман, маҳаллада ҳаёт қайнайди, ҳар жабҳада маҳаллага зарурат бор, ҳар ким маҳаллани ўзига суянч ва таянч сифатида кўради.

Ўз навбатида, бу жараён маҳалла ходимларидан катта масъулият, билим ва ташаббускорликни талаб қилади. “Еттилик” аъзолари фаол ва ҳамжиҳат бўлса, йиғинда иш фаолияти тизимли ва тартибли йўлга қўйилса, натижадорлик ҳам шунга яраша самарали бўлади. Бунинг учун, энг аввало, “маҳалла еттилиги” вакиллари қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор бўлиши, тизимга оид билимларини мустаҳкамлаб бориши, муаммолар ечимида ўз фикри, ёндашуви, амалий тажрибаси бўлиши зарур.



Семинарда Уюшманинг 208 та туман (шаҳар) бўлиmlари масъул ходимлари, “еттилик”нинг юқори турувчи ташкилотлари вакиллари қатнашяпти.



АВВАЛЛАРИ КУДАЛАРНИ МАҲАЛЛАДАН СУРИШТИРИШГАН...



“Бир миллион яшил оила” ҳаракати ишга тушади

2025 йилги Давлат дастурига кўра, мамлакатимизда “Бир миллион яшил оила” умуммиллий аракати йўлга ўйилади.

Бу жараёнда экологик тамойилларни ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори кўрсаткичларга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақоми берилиб, улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмоладиган кредитини олишда чегирма тақдим этилади. Оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақоми олгада, уларга “яшил оила” мақоми берилади ҳамда бундай оилалар ўртасида ҳар йили очик танлов орқали 14 та электромобиль ўйналади. Аҳолисининг ярами “яшил оила” мақоми олгад маҳаллаларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловлари ташкил этилади.



Ғолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига 500 миллион сўм ажратилади.



УЮШМА КУНДАЛИГИ

УЮШМА ОБОДЛИК ЮМУШЛАРИГА БОШ БЎЛАДИ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атрофму итни асраш ва “яшил и тисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўрисидаги Президент фармони имзоланди.



Фармонга кўра, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман ва шаҳарлар кесимида 2025 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда дарахт кўчатларини ҳамда хонадонлар ва ички кўчаларга гул ва қаламчаларни экиш дастурини ишлаб чиқади. Барча маҳаллаларнинг ички кўчалари ва аҳоли хонадонларида 32 миллион туп меваги ва манзарали дарахтлар, райҳон, гултожи, атиргул ва бошқа гуллар экилишини таъминлайди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш мақсадида 2025 йил 10 февралдан 10 мартга қадар ҳар бир хонадон, кўча ва қабристонларда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этади. Наврўз байрамига қадар маҳаллалар ўртасида “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловлари ўтказилади.

Шунингдек, аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали “Соғли сайр кўчалари” тармоғи яратилади. “Яшил макон” ва “Менинг боғим” лойиҳалари доирасида 200 миллион туп дарахт экилади.

ЖАРАЁН



Шавкат Мирзиёев
АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ
соҳасида амалга
оширилаётган ишлар
ва келгусидаги устувор
вазифалар юзасидан
ийгилиш ўтказди.



Президентимиз
“Алишер Навоий ва
Шарқ Ренессанси”
IV халқаро симпозиуми
иштирокчиларига
ТАБРИК йўллади.



“Камбағалликдан
фаровонлик сари” дастури
доирасида 3,5 минг
нафар камбағал оилалар
фарзандлари ГРАНТ
АСОСИДА ўқитилади.

Ўзбекистондаги маҳалла раисининг вазифалари

”

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг ҳузуридаги Маҳалла академияси, тегишли вазирликлар, идоралар ҳамкорлигида уч кунлик малака ошириш ўқув-семинари ташкил этилди.



Хуршид ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
ҳузуридаги Маҳалла
академияси раҳбари.

Унда Уюшманинг 208 та туман (шаҳар) бўлими раислари, “еттилик”нинг юқори турувчи ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Бугун маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик, миграция, жиноятчилик ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантириш устувор вазифасифатида белгиланган. Бу ҳолат, ўз навбатида, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган мутасаддилардан алоҳида билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишни тақозо этади. Шу маънода мазкур семинар маҳалла тизимини ривожлантириш соҳасидида шаклланди.

миллий амалиётни ҳудудларда кенг жорий этишга хизмат қилади.

Семинар аниқ мавзулар асосида, маҳаллага тааллуқли ҳар бир масалани қамраб олган ҳолда ташкил этилди. Хусусан, **унинг биринчи кунид** “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида маҳалла тизими олдида қўйилган устувор вазифалар хусусида маълумот берилди. Таъкидланганидек, Давлат дастурида айнан маҳаллага оид қатор мақсадлар, жумладан, йиғинларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини самарали йўлга қўйиш белгиланган.

Спикерлар аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифалари,

маҳалла раиси сайловини ўтказишда қонунчиликда белгиланган тартиблар, раис лавозимига қўйилган талаблар, номзодларни шакллантириш ва саралаш, маҳалла тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш масалалари бўйича керакли тушунчаларни беришди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ўтказилган машғулотлар савол-жавобларга бой бўлди. Томоркадан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадини оширишда маҳалла билан банкларнинг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари кенг муҳокама қилинди. Президент ташаббуси асосида банкларнинг маҳалла даражасига туширилгани, маҳалла банкири фаолияти йўлга қўйилгани эътироф этилди.

Семинарнинг иккинчи кунги машғулотларида қайд этилганидек, ҳар қандай масала маҳалла даражасида ҳал этилаётгани боис ўтган йили йиғинларга қилинган мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи шу ернинг ўзида ечим топди. “Рақамли маҳалла” платформаси ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиш имкониятини оширди. Ёшлар, хотин-қизлар билан ишлашда маҳалланинг иштироки ортди. Аҳолини соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, тўғри овқатланишни оммалаштириш аниқ

ана тусини олди.

Иштирокчиларга маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларини мақсадли сарфлаш, “Маҳалла сервис компанияси” фаолиятини самарали ташкил этишда алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳақида маълумот берилди. Нурунийларнинг ёшлар тарбияси ва жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги таъсирчан воситаларга тўхталинди. Аҳолини оммавий спортга жалб қилиш борасидаги ташаббуслар илгари сурилди.

Маҳаллага бириктирилган масъуллар фаолият самардорлигини оширишда маҳалла раисининг мувофиқлаштирувчи бошқарув усули, йиғиндаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва унда маҳаллага бириктирилган масъулларнинг асосий вазифалари таъкидлаб ўтилди.

Умуман олганда, ҳар бир машғулот интерфол усулда, қизиқарли савол-жавобларга бой, тақлифлар, фикрлар хилма-хиллиги руҳида ўтди. Айниқса, машғулотларни соҳанинг етук мутахассислари, олимлар, профессорлар олиб боргани, “еттилик”нинг юқори турувчи ташкилотлари раҳбарлари йўл-йўриқ кўрсатгани, ҳар бир масала тўлиқ моҳиятига қадар тушунтирилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Эндиликда иштирокчилар олган билимларини ҳудудларга боргач, оммалаштиришда, иш фаолиятида кенг фойдаланади.

Семинарнинг учинчи куни бугун, 12 январда амалда бўлди. Дастурга кўра, тингловчиларнинг ўзлаштирган билимлари тест синувида ўтказилади. Иштирокчилар Учтепа туманидаги Абдулла одирий номидаги ама Яққасарой туманидаги “Дилбул” ма аллаларига таъриф буюради. Сўнгги тингловчиларга сертификатлар топширилади.

БЕКОР ЮРГАН, ИШСИЗЛИКДАН НОЛИГАН ОДАМНИ УЧРАТМАЙСИЗ

Меҳнат қилган, изланиб, пнтилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунини маҳалламизнинг барча фуқаролари яхши англаётган. Шу боис бекор юрган, ишсизликдан нолиган одамни топа олмайсиз.



Шерзод ҲОЛИҚОВ,
Бухоро туманидаги “Янги
обод” маҳалласи раиси.

Маҳалла “драйвер”и — чорвачилик, асаларичилик, деҳқончилик. 69 та тадбиркорлик субъекти мавжуд.

2024 йилда 61 та камбағал оила рўйхатга олинган. Бугунга келиб, 80 фоизи камбағалликдан чиқарилди.

Азалдан яшаш хонадонимиз, кўчаларни тоза ва озода тутиш аниқанга айланган. Зеро, обод маҳалла саришта кўча ва хонадондан бошланади. Шу боис ҳар ойда бир маротаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштириб бораёмиз. Жараёнда камида 2 та эҳтиёжманд оиланинг уйини таъмирлаб бераёмиз. Мисол учун, Ихтиёр Ражабовнинг хонадони таъмирланиб, кўш панели ўрнатиб берилди.

2024 йилда 1,5 км. ички кўчалар асфальтланди, 3 км. қисми шағаллаштирилди. 21 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳудудда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бош мақсадга айланган. Ҳоким ёрдамчиси Жасур Раҳмоновнинг кўмаги билан талабгорларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратилди. Натижада тадбиркор-

лар сафи кенгайиб борапти.

Меҳмонкул Остонов мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиб, томоркасида иссиқхона барпо қилган. Яхши ният билан бир неча тул лимон кўчатини ўтказган. Уч маҳал ҳосил етиштириб, қатор орасида картошка, помидор, бодиринг эккан. Миришкорлик билан иш қўриши натижасида 10 сотих майдондан 1 гектар ернинг даромадини оляпти. 2024 йилда оила аъзолари 100 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни бозордан харид қилмайди. Аксинча, истеъмолдан ортганини бозорга олиб чиқиб, сотаяпти. Хонадонда чорвачилик ҳамда паррандачилик йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, касана-чилик асосида асалари парвариш йўлга қўйилган. Бунинг учун 50 нафар ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга субсидия асосида 5 қўтидан асалари оиласи олиб берилди. Ҳудудда ишсизлар қолмагани учун тадбиркорлар қўшни маҳаллалардан ходим жалб қилаяпти.

Хулоса сифатида айтганда, “маҳалла еттилиги” сазй-ҳаракати билан ечимсиз муаммо, эътиборсиз мурожаат қолмапти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шавкатбек НОРМУРОДОВ,
Денов тумани:

— Ма алла раиси лавозимига ўтган сайловларда баъзан натижалар бекор илинганига гуво бўлганмиз. онунчиликка кўра, айси олларда фу арлар йи уни раиси сайлови ўтмаган ёки а и ий эмас, деб топилади?

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ЙИҒИН РАИСИ САЙЛОВИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС, ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ?

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Агар фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилади. Сайлов фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан вакилларнинг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса ҳам шундай ҳулосага келинади.

Маҳалла раиси сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш якунларига таъсир қилган қондабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Шоҳимардон: машаққатлар ортида қолди



Пурвиқор тоғлар бағридаги Шоҳимардоннинг тўрт томони Қирғизистон Республикаси билан ўралган. Бу ерда битта мактаб, битта мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника бор. Аҳоли сони 3 600 нафар.

ИСЛОҲОТЛАР НАФАСИ

Кишлоқда 10 та кўча бўлиб, 2019 йилда “Обод кишлоқ” дастури асосида таъмирланган. Оилавий шифокорлик пунктнинг ишга туширилиши тўртта кўчада истиқомат қиладиган 2 000 нафарга яқин аҳолининг оғирини енгил қилди. Улар тиббий хизмат олиш учун 2 км. масофага боришига тўғри келарди. Аввал туман ёки вилоят марказига қатнаш машаққат эди. Одамлар кунлаб навбат кутган. Бугун вазият ўзгарди.

Ўсиш нуқта — деҳқончилик ва чорвачилик. Давлатимиз раҳбарининг сазй-ҳаракати билан ҳудудда ички туризм ривожланыпти. Ёз фаслида кунига 12-13 минг сайёҳ келяпти. Битта меҳмонхона бор. Буталабга нисбатан кам. Шу боис аҳоли яшаш хонадонларида

меҳмон-уйлар ташкил этган.

— ишло инфратузилмасини яхшилаш учун барча чора кўрилган, дейди Фар она туманидаги “Шо имардон” ма алласи раиси Икромжон Абду оли ов.— Асфальтсиз кўча йў . Тоза ичимлик сув ар бир хонадонга кириб борган. Суялтирилган газ ўз ва тида етказиб берилади. Электр энергияси билан бо ли муаммолар ечим топган. Президент топиши и билан кичик ГЭС урилган. Айни кунда 2 минг ўринли амфитеатр, ўлкашунослик музейи фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Бир сўз билан айтганда, анклав ҳудудда аҳолининг яхши яшаши учун барча имконият яратилган.

Мафтуна МАМАСИДИКОВА,
Фарона вилояти.



2025 йил 1 августгача
озик-овқат хавфсизлиги
соҳасида МИЛЛИЙ
АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ
ишлаб чиқилади.



Президент
қарорига кўра,
Навоий вилоятида
2025 йил "АЛИШЕР
НАВОИЙ ЙИЛИ"
деб номланди.



Орол денгизи тубида
100 минг гектар
"ЯШИЛ МАЙДОН" барпо
этилиб, Оролбўйидаги
ўрмонзорлар 2,1 миллион
гектарга етказилади.



Баъзан ёшларнинг қиммат вақтини бекор ўтказиб, кўчаларда бемақсад юрганини кўрсам, уларга қараб ачинаман. Ахир бу давр ҳеч қачон қайтиб келмайди. Тоғни уриб талқон қилгудек бир вақтда бекорчиликда вақт ўтказётгани жуда аянчли. Келажаги нима бўлишини ўйлаб, улар билан астойдил шуғулланишим лозимлигини тушунаман.

Ренат АЯПБЕРГЕНОВ,
Мўйноқ туманидаги "Жайхун"
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи бир йигитнинг аҳволи шундай эди. Кунора спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзига ўхшаганлар билан кўча кезиб, вақтини увол қиларди. Қўлида на хунари, на тайинли иши бор. Ҳеч қаерда ишламас, оиласига даромад келтирмасди. Навқирон ёшлиги завол бўлмасин, деб унга ёрдам кўрсатишга аҳд қилдим. Профилактика инспектори ҳамроҳлигида йигит билан индивидуал гаплашдик ва тартибга қайтардик. Ўзи билан маслаҳатлашган ҳолда уни сонаот қорхонасига ишга жойлаштирдик. Елкасига масъулият тушган, кўчадаги танишлари билан ораси узилди ва вақтини самарали ишга сарф қилиши кераклигини тушуниб етди.

Бундан ташқари, унинг ҳар бир буш соатини назоратга олган ҳолда, спорт тадбирларига жалб қилдик. Кейинчалик мусобақаларда иштирок этишни бошлади. Ҳозир унинг ҳам ижтимоий, ҳам руҳий ҳолатида анча ўзгариш бор. Олдинги ичкиликка ружу қўйган йигитдан асар ҳам йўқ. Асосийси, у вақтини тўғри сарфлашни ўрганди.

Ёшлар етакчиси сифатида 2023 йилдан буён фаолият юритиб келаман. Аввало, бу вазифада ишлаш учун бироз қобилият бўлиши керак. Менга бу қийинчилик туғдирмади. Негакки, ўзим анча киришимли бўлганим боис барча муаммоларни ёшлар билан бевосита суҳбат асосида ҳал этиш имконини изладим. Биринчи навбатда, ёшлар фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳолда, муаммолари билан танишиб, шунга асосан иш олиб бордим. Қобилиятлари, орзу-интилишларини рўйбга чиқариш мақсадида иқтидорли ёшларни номма-ном рўйхатга олдим.

Бугунги ёшлар шунчалик шижоатлики, уларга имконият ва рағбат берилса бас. Ҳар ишда ташаббускорликни ўз қўлига олиб, юқори натижаларни қайд эта олади. Айниқса, "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги

Ҳозирги кунда, асосан, ўқишни битирган ёшларни ишга жойлаш муаммоси устида ишляпман. Ўқишни тугатгач, маош озлиги сабаб бу ерда ишлашни рад этиб, чет элга кетаётган ёшлар ҳам талайгина.

мусобақаларга қамраб олинган ёшлар бугун катта ютуқларга эришиб, бизни хушнуд қилаётир. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида учта спорт тури бўйича йигит-қизларимиз республика

босқичида намунали иштирок этишди. Стол теннисида Айнура Даужанова республикада 3-уринни эгаллаб, маҳалламиз обрўсини яна бир поғонага кўтарди. Жамоавий волейбол ўйинларида шижоатли қизларимиз 4-уринни олишди. Енгил атлетикадан ёшларимиз республика босқичигача юқори марраларни эгаллашди. Уларнинг ушбу ютуқлари қолган қизикларда ҳам спортга улкан қизиқтиш уйғотиб, фаоллигини оширди.

Ҳозирги кунда, асосан, ўқишни битирган ёшларни ишга жойлаш муаммоси устида ишляпман. Ўқишни тугатгач, маош озлиги сабаб бу ерда ишлашни рад этиб, чет элга кетаётган ёшлар ҳам талайгина. Қандай қилсам, уларни фикридан қайтара оламан? Шу масала устида беш қўтаришман. Бу борада масъуллар билан маслаҳат қилиб, чора топиш йўллари ҳақида ишляпмиз. Агар бунга тез орада ечим топа олсак, ёшларнинг шу ерда ишлаб, жамиятга фойда келтиришига эришардик.

ФИКР

Ўзбек
деган ўз тилим бор,
аммо аҳволи абгор...



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Кўча-кўйда, жамоат транспортида, таълим муассасалари, ҳатто давлат ташкилотларида ўзаро мулоқот қилганда ҳар учта гапининг биттасида ажнабий сўзларни қўшиб айтамыз. Мисол учун, ҳозирги кунда ўзбекча сўзлар орасида кўп ишлатиладиган "каниш-на", "так", "значит", "такшто", "пашти", "ужи", "кароччи" каби русча сўзлар нутқимизда кўп қўлланадиган "паразит" сўзларга айланиб қолган. Бутун миллат тилига бугун шундай муносабатда бўлиш ўринлими?

Ижтимоий тармоқдаги сўзлашмаларда-ку, умуман адабий тил қоидаларига риоя қилинмайди. Агар ўзбек тили қоидалари асосида ёзсангиз, гапирсангиз, ҳатто сизни гуруҳлардан четлатишади. Нега? Чунки тил жамият ҳаётида "интернет тили" ва "ҳаёт тили" деган иккита тармоққа бўлиниб қолган. Айниқса, бугунги ёш авлод соф ўзбек тилида гаплашиш у ёқда турсин, интернет тармоқларида "нима" сўзини "нме", "тушунмадим" сўзини "чунмадим" каби шаклларда ёзишади. Мана фоҳиша қаерда? Сиз эса улар учун бегонасыз. Уларнинг "одами" бўлишингиз учун уларнинг тилида, яъни "кўча тили"да, ижтимоий тармоқлар тилида гапиришингиз керак. Буларнинг ҳаммаси билимсизлик, китоб ўқимаслик, саводхонлик даражаси кескин камайиб бораётганидандир.

Буларнинг охири қаергача боради, деб ўйлайсиз? Ижтимоий тармоқларда ўзбек тилида тўғри ёзиш тугул, оғзаки нутқда ҳам эллаб гапира олмас эканмиз, тилимизнинг нуфузига путур етиши тайин. Шу ўринда ҳақли савол юзага чиқади: кўп, муаммо аниқ, аммо уни ҳал этиш, яъни тилимиз софлигини сақлаб қолиш учун нима қилишимиз керак?

Одатда тил ёшлиқдан ўрганилади. Шундай экан, биринчи навбатда, оилада, боғчада, мактабда ёшларнинг саводхонлигини ошириш энг муҳим масала саналади. Тилни ўрганишда бадиий адабиётнинг, китобнинг ўрни бекиёс. Кўпроқ ҳар бир оилга китоб ўқишни тарғиб қилиш лозим. Агар биз ҳамма соҳада ўзимизга талабчан бўлсаккина бирор натижага эришамиз. Бунинг учун меъёрни юқори қўйиб, унга интилиш, меҳнат қилиш керак.

Шу ўринда бир таклиф бор: боғчаларда, мактабларда ўқувчиларнинг ўзбек тилини билиш даражасини аниқлаб бориш зарур. Дейлик, мактаб битирувчисининг ўзбек тилидан билим даражаси диктант орқали текширилганда, белгиланган меъёрдан паст бўлса, унга ўрта мактабни тугатганлик тўғрисидаги шаходатномани бермаслик керакдир?.. Худди шундай, ўзбек тилини билиш даражаси орқали шаходатнома олганларга олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида қўшимча балл бериш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Бу масалада кўнгли бўшлик қилиш, бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини рўқча қилиб, турли баҳоналар ахтаришга ўрин бўлмаслиги керак. Шунда боланинг ва ота-онасининг тилга, билим олишга бўлган ҳарши ўзгаради. Катталар фақатгина фарзанд дунёга келтиришининг ўзи етмаслиги, унинг тарбияси, билими учун ҳам ота-она масъул эканини англайди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

48 та маҳаллада 404 минг туп кўчат қадалади



Шеробод туманидаги 48 та маҳалланинг ҳар бир кўчасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг амалий ижросини кўриш мумкин.

Эркин Жўраев,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Шеробод тумани
бўлими етакчи мутахассиси.

Лойиҳа доирасида бу йил 404 минг туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу билан бирга, "маҳалла еттичилиги" вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда, бўш майдон ва кўп қаватли уйлар атрофида 100 тупдан, жами 120 минг дона манзарали дарахт экиши кўзда тутилган.


Бу жараёнда кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахслар хонадонларида ҳашар уюштириш орқали кўчат ўтказиладди. Хусусан, тумандаги ҳар бир шундай тоифадаги оила ховлисига тўрт донадан хурмо, анжир, лимон ҳамда 20 донанор кўчатини экишга тайёргарлик кўрилмакда.

Вфоебк лжод л мбн мй уб бввфтойод бнбмдб п йсйм й обуйзотйеб уфнбо - ебдй "е йм нбекепо мбс фефей лжодбей.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шахло ДАВЛАТОВА. Косон тумани:

— Мен ҳозирда тиббиёт йўналишида грант асосида ўқияпман. Аммо ҳозир соғлигим ва оилавий шароитим тўғрисидаги давом эттиришнинг иложи бўлмаяпти. Давлат бюджетни асосида ўқишни сақлаб қолган ҳолда академик таътил олиш мумкинми?



Илҳом ЭРГАШЕВ,
Косон тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисида"ги Низомга кўра, олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

бсвйк цйинбуой уб фшфо
тбмнпнбумиддой уйлмб фшфо
пнймбесмйлой гб уфб й фшфо
вймбмбсйой рбсгбсй ймй фшфо
пймбтойод вжупв б иптйой
(пубтй, побтй лй фмбсйойд сойой
впфгшй бцтмбс, уфснф суп й,
хбсйбей) рбсгбсй ймй фшфо.

Демак, юқоридаги асосларга кўра, сиз ҳам академик таътил олишга ҳақлисиз.

Низомнинг 4-бандига кўра, талабага академик таътил берилиши уни олий таълим муассасасидан четлаштириш деб ҳисобланмайди. Шунинг учун "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар ўқишга (муайян курсга) давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

Шундай экан, сиз ҳам академик таътилдан грант асосида ўқишга қайтишингиз мумкин.



Тошкент, Нукус ва вилоят марказларида ЭКОЛОГИЯГА САЛБИЙ ТАЪСИР кўрсатувчи янги лойиҳаларни амалга ошириш тақиқланади.



Президент қарорига кўра, малака сертификатиغا эга ўзбек тили ўқитувчиларига УСТАМА ТўЛАНАДИ.



2026 йилдан Ўзбекистонда ғишт ишлаб чиқариш солиғи ИККИ БАРАВАРГА оширилади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

СУВ ҲИСОБОТИ АВТОМАТИК ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, солиқ органлари томонидан қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун ишлатилган сув ҳаҷми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботини автоматик равишда шакллантириб бериш йўлга қўйилади.

Вазирлик ва идоралар ўзаро ахборот алмашинуви тизими, шунингдек, Сув хўжалиги вазирлигининг “Сув ҳисоби” ахборот тизими орқали тақдим этилган маълумотлар асосида солиқлар автомат ҳисобланиб, ҳисоботда шакллантириб беради.

Амалдаги тартибга кўра, солиқ тўловчилар сув солиғи ҳисоботи шаклининг 0701 ва 0702-сатрларига Сув хўжалиги вазирлиги тақдим этган сув ҳажмини мустақил киритган ҳолда тақдим этиб келган.



ХАБАРДОРМИСИЗ?

SUV RESURLARIDAN FOYDALANGANLIK UCHUN SOLIQ

Эндиликда солиқ органлари шакллантирилган солиқ ҳисоботининг тўғри ва тўлиқлигини тасдиқлайди ёки эътирозлар мавжуд бўлса, солиқ ҳисоботини қайта кўриб чиқиб, 15 декабрга қадар тегишли асосларни илова қилган ҳолда солиқ органларига тақдим этади.

Маълумот учун, қишлоқ хўжалиги қорхонаси ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар ноқишлоқ мақсадларида фойдаланилган сув ресурслари учун ваколатли орган томонидан тақдим этилган сув ҳажмини мустақил киритган ҳолда қонунчиликда белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботларини тақдим этади.

Унутмаслик керакки, солиқ тўловчи солиқ органи шакллантирган ҳисоботини белгиланган муддатда тасдиқламаганда ёки қайта ишланган ҳолда тақдим этмаганда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилмайди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

БАНҚДАГИ
ҲИСОБРАҚАМ
ОПЕРАЦИЯСИ
ТЎХТАТИБ ТУРИЛАДИМИ?



Шерзод
ТАНГРИ-
ҚУЛОВ.
Сурхондарё
вилояти.

– *Эшитишимча, соли органи соли а оид у у бу зарликлар бўйича тадбиркорларнинг банклардаги исобвара лар операцияларини тўхтатиб ўйиш тартиби жорий этилаётган экан. Шу а да маълумот берсангиз...*

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси
бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Президентнинг 2025 йил 30 январдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, тадбиркорларнинг вақт ва маблағ билан боғлиқ ортқича харажатлари қисқартириляпти. Мазкур ҳужжатга кўра, 2025 йил 1 майдан тадбиркорлар тан олган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича солиқ органи тадбиркорларнинг банклардаги ҳисовварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тартиби жорий этилади. Тадбиркор солиққа оид ҳуқуқбузарлиқни тан олганда, солиқ органи мустақил равишда банк операцияларини тўхтатиб қўйиши мумкин. Тадбиркор солиққа оид ҳуқуқбузарлиқни тан олмаган ва эътироз билдирган тақдирда, амалдаги тартибга мувофиқ суд томонидан ҳал этилиши белгиланмоқда. Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилганидан кейин амалиётга жорий этилади.

Амалдаги тартибга кўра, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатдан кейин 10 кун ичида тақдим этмаганда, банкдаги ҳисовварақлари бўйича операциялари тўхтатиб турилади. Солиқ органи фақат 10 кундан кўп бўлмаганда ҳисовварақ операцияларини тўхтатиб туриши мумкин. 10 кундан кўп бўлганда, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади.

“ГУЛИСТОН”
ВА “БОҒИ
ЭРАМ”
МАҲАЛ-
ЛАЛАРИ
МУЗРАБОТ
ТУМАНИ
МАРКА-
ЗИДАН 30
КИЛОМЕТР
ОЛИСДА,
АФҒОНИС-
ТОН БИЛАН
ЧЕГАРАДОШ
ХУДУДДА
ЖОЙ-
ЛАШГАН.
АХОЛИСИ,
АСОСАН,
ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ,
ЧОРВАЧИ-
ЛИК БИЛАН
ШУҒУЛЛА-
НАДИ.



Олим ШОИМОВ,
Музработ туманидаги
“Гулистон” ва “Боғи
эрам” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиб, “маҳалла” ишлаш тизимининг жорий этилиши бундай олис ҳудуд аҳолиси учун анча қулайлик яратди. Аввало, фуқаролар солиқ масаласида олдингидек туман марказига қатнаб, вақтини, нақдини йўқотмаяпти, аксинча, биз уларнинг хонадонига боряпмиз. Уйма-уй юриш орқали тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳиятини ту-

шунтиряпмиз. Томорқа-чилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишни тарғиб этиб, зарур маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатилляпти. Солиқ ходимларидан яширин тарзда савдо-сотик қилаётган фуқароларга фаолиятини расмий рўйхатдан ўтказиб, қонуний ишлашини таъминляпмиз. Натижада ўтган йили тадбиркорлар сони 20 фоизга, солиқ тушумлари 30 фоизга кўпайди.

Энг муҳими, аҳоли эҳтиёжи учун зарур тадбиркорлик йўналишлари ташкил этилди. Хусусан, ғишт ишлаб чиқариш қорхонаси фаолияти йўлга қўйилгач, фуқароларнинг туман марказига бориб юришига ҳожат қолмади. Шунингдек, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохбчаси, техник хизмат кўрсатиш ҳамда машиналарни ювиш хизмати

Қувонарлиси, аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди.

иш бошлади. Меҳмон музработлар учун замонавий ошхона қурилди. Қуни кеча бир фуқаромизга сартарошлик билан шуғулланиши учун махсус жиҳозланган контейнер ўрнатиб бердик.

Менга бириктирилган иккита маҳаллада 1 127 нафар мол-мулк ва 1 231 нафар ер солиғи тўловчиси бор. 17 та юридик шахс, 7 та боғдорчилик фермер хўжалиғи ҳамда 50 нафар яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юртияпти. Ишсиз фуқароларга ер берилиши натижасида 327 та деҳқон хўжалиғи ташкил этилди. Шунингдек, 345 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топяпти.

Аввал маҳаллаларга чуқур кириб борилмаганлиги сабабли, аксарият фуқароларнинг 4-5 йиллаб солиқ қарз-

дорлиғи қолиб кетарди. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир солиқ тўловчи билан манзилли ишляпмиз. Фуқаролар уйдан чиқмаган ҳолда “Soliq” мобил иловаси ёрдамида барча солиқ тўловларни амалга ошириб, муаммоли масалаларни ҳал қиялпти. Натижада биргина мол-мулк ва ер солиғи тўловларининг ундирилиши 50 фоиздан 95 фоизга ошди.

Бугун ҳар бир маҳалланнинг ўз бюджети бўлиб, 40 миллиондан 90 миллион сўмгача маблағи бор. Мазкур маблағлар ҳисобидан кўча чироқлари, қуёш панеллари ўрнатилиб, ҳар икки маҳалла учун компьютер жамланмаси олинди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг коллегиял қарори асосида ҳудуддаги мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишга, йиғинни обод этишга, фуқароларнинг аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти ошди. Фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан яширин тарзда эмас, қонуний шуғулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қиялпти. Фуқароларни ишли, даромадли қилиш борасидаги амалий ишлар давом этяпти.

Келгусида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда савдо-сотик, маиший ҳамда сервис хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари сонини янада оширамиз.

Бунинг натижасида ишсизлар бандлиғи таъминланиб, оиласига даромад келтиради, маҳаллалар бюджети ортади. Ўз навбатида, йиғинлардаги кўплаб ижтимоий, иқтисодий муаммолар ҳал этилади.

Қоровулликлар ободлик ишларига жим қараб тургани йўқ



Қўшқўшнр туманидаги “Қоровул” маҳалласи нафақат вилоятнинг, балки республикаимизнинг энг чекка ҳудуди – қўшни Туркменистон Республикаси билан чегарадош.

Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Хоразм вилояти
бошқармаси
матбуот котиби.

Ушбу ҳудудда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бунёдкорлик ва ободонлашти-

риш ишлари бошланди.

Дастлаб кенг кўламли ишларнинг “йўл харитаси” белгилаб олинди. Унга кўра, жорий йил туманда барча дастурлар доирасида 42 км. умумфойдаланувдаги йўллар ва 53 км. ички хўжалик йўлларни таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирда ички йўлларга қум-шағал аралашмаси тўқиялпти. Асосий кўчаларга асфальт қопламаси ётқи-

зилади. Электр энергияси билан боғлиқ муаммолар бартараф этиляпти. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштиришга киришилди. Муҳими, ободлик муҳитини яратишда қоровуллик одамларнинг ҳиссаси кўшиляпти.

– Ма алламизда ободлик ишлар бошланиб кетди, – дейди “ оровул” ма алласида яшовчи йўлдош Бо-

божонов. – Коммунал тармо янгиланиб, кўчаларимиз файзли бўляпти. Бундан биз ма алла а лнинг хурсандчилиғи чексиз. Ўзимиз ам илинаётган ишларга ўз иссамизни ўйишга аракат иляпмиз. Янгиланишлар шу адар увонарли ва кўпки, шунчаки чепдан кузатиб туриш мумкин эмас.

Маҳаллада комплекс чора-тадбирлар олиб бориялпти. Тижорат банклари имтиёзли кредит таклиф этияпти, давлат хизматлари кўрсатилмоқда, бўш иш ўринлари ва арзонлашти-

ОБОД МАНЗИЛЛАР

рилган озиқ-овқат махсулотлари ярмаркалари, бепул тиббий кўриқлар ташкил этилди. Шунингдек, аҳолига соғлом турмуш тарзига риоя этиш, хонадон гигиенаси ҳақида тушунтиришлар олиб бориялпти.

Маънавий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, таълим масканларида шахмат-шашка мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий тадбирлар ташкил этиляпти. Хуллас, яқин кунларда “Қоровул” маҳалласи мамлакатимиздаги энг обод манзиллардан бирига айланади.



Ўзбекистонда май ойидан “ТОЗА ҚўЛЛАР” дастури бошланади.



Энди кўп қаватли уйлارни қуришда оқова, ёмғир ва техник сувлар билан суғориш тизимларини ўрнатиш мажбурий бўлади.



Ўзбекистонда йил охиригача “Аи-80” бензинини сотиш ва фойдаланишни чеклаш белгиланди.

ИМКОНИЯТ



"×åãàðà
é°¿, ô à¿àò
è ì ê î í è ÿ ò á î ð!"

Спорт — саломатлик гарови. Доимий ҳаракатда бўлган инсоннинг қон айланиш тизими фаол ишлайди. Бу иммунитетни мустаҳкамлаб, тананинг турли хасталикларга қарши курашувчанлигини оширади. Қолаверса, кайфиятни кўтаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш, спорт иншоотларини уларга мослаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш орқали жисмоний реабилитация тизимини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда Адаптив спорт турлари ассоциацияси ташкил этилган.

Ушбу спорт турлари билан барча ёшдаги ва турли қатламдаги ногиронлиги бўлган шахслар шуғулланиши мумкин. Бу жисмоний ва руҳий имкониятлари чекланган, шунингдек, спортга лаёқатли бўлган шахсларга ҳам имконият яратаяди.

Адаптив спорт турлари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- паралимпия аракатлари;
- сурдолимпия аракатлари;
- махсус олимпия аракатлари;
- қўзи оқизлар спорти федерацияси.

Ушбу йўналишларда жами 67 хил спорт турлари мавжуд. Биргина Андижон вилоятида мазкур йўналишда 16 хил спорт турлари мавжуд бўлиб, унда 500 нафарга яқин параспортчилар мунтазам равишда машғулотлар ўтиб келмоқда.

Соҳага қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, бугун қанчадан-қанча иқтидор эгалари юзга чиқмоқда. Хусусан, Олтиариқ туманида ногиронлиги бўлган шахсларни спортнинг пара-енгил атлетика турига кенг жалб этиш бўйича муайян ютуқларга эришилди.

Жумладан, спорт мактаби билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қизиқиш ва талаб юқори бўлган пара-спорт турларидан қўшимча машғулотлар ташкил этилди. Хозирда бу машғулотларда 41 нафар ногиронлиги бўлган хаваскор спортчи мунтазам қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, туманда мавжуд спорт иншоотларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш чоралари кўрилмоқда.

— 2024 йилда спорт билан шу улланувчи ногиронлиги бўлган шахслар 18 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йил бошидан уларнинг сафига яна 23 нафар аваскор ўшилди, — дейди Олтиариқ тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази шўъба мудири ўткиржон амдамов. — Тумanning энг чекка удуларидан ам пара-спорт турлари бўйича тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйишга маъмулланмиз.

Ҳаёт — кенг имкониятлар макони. Ундан унумли фойдаланиш ёки олдимизга чегара қўйиб, бир жойда тўхтаб қолиш фақат ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, фақат олға ҳаракат қилишни шioriимизга айлантирайлик!

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ИХТИСОСЛАШГАН КАСБ-ҲУНАР МАРКАЗЛАРИ ОЧИЛСА...

Нодира АБДУВАЛИЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги “Авайхон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ногиронлиги бўлган инсонларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш алоҳида ёндашув ва эътибор талаб қиладиган масала. Бу борада ижобий натижага эришиш учун унинг оила аъзолари билан ўзаро

са, уларнинг барчасига мана шу тажриба асосида ёндашишга ҳаракат қиламиз. Қисқа фурсат ичида меҳнатимиз самарасини кўришга мушарраф бўляпмиз. Хусусан, маҳалладошимиз Айқарам Йўлдошованинг ётиб қолганидан хабар топиб, хонадонига кўргани бордик. Маълум бўлишича, аёл оғир хасталикларни бошдан кечирган. Унга саломатлигини тиклаши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Қолаверса, қон айланишини яхшилайдиган мослама ҳам тақдим этилди.

Ҳамхўрлигини ҳис этаётганини такрорлашдан сира чарчамайди.

Шу кунга қадар худдада умумий 10 та кейс очилди. Улар орасида Абдурахмон Абдуқодиоров ҳам бор. Фуқаронинг ҳаракат қилиш имконияти чекланган эди. Уни қўллаб-қувватлаш мақсадида электрон юритмали арава тақдим этилди. Шунингдек, саломатлигини тиклаши учун сиҳаттоҳга йўланма берилди. Кўрсатилган хизматлар туфайли унинг ҳолати анча яхшиланди.

Абдусалом Искандаров 2-гурух ногирони бўлишига қарамай, ҳаракатлари илдам ҳамда меҳнат қилишга иштиёқи баланд. Унинг мурожаатига асосланиб, муносиб иш ўрни топиб беришга киришдик. Шу кунларда Яшнобод туманидаги ишлаб чиқариш корхонасида ҳайдовчи сифатида фаолиятини бошлаш арафасида.



4 нафар ногиронлиги бўлган ёшларни адаптив спорт турларига йўналтирдик. Кўзи ожиз ака-укалар шахматга қатнашпти. Фотима ва Зухра эса енгил атлетика билан шуғулланыпти.

Имконияти чекланган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда, касб-ҳунарга ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода худудларда ташкил этилган мономарказларда махсус ихтисослаштирилган курслар очилса, ҳаши бўларди. Касблар рўйхати қанча кенгайтирилса, шунча фойдалади. Фуқаролар қизиқишидан келиб чиқиб, ўзига муносиб соҳани танлайди.

Айқарам опага қизини расман қаровчи сифатида бириктирдик. Шу орқали унга ҳам меҳнат стажы ёзилдиган бўлди. Опанинг болалиқдан 1-гурух ногиронлиги бўлган ўғлига даволашни учун 1 миллион 800 минг пул берилди. Оиланинг ҳолидан хабар олгани тез-тез бориб турамиз. Улар биз орқали давлатнинг қаратаётган эътибор ва

ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш жуда яхши самара беради. Ижтимоий ходим фуқаронинг ҳолидан хабар олишга ҳар куни имкон топа олмаслиги мумкин. Лекин яқинлари доим ёнида туриб, тиргак бўлади. Агар бу мажмуавий ва мақсадли йўналтирилса, аниқ мудоаа, демек.

Маҳаллада 214 нафар ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қил

ТАҚДИРЛАР

СПОРТ
БИЛАН ҲАЁТ
СИНОВИНИ
ЕНГЯПТИ



Вобкент туманидаги “Ғарибшоҳ” маҳалласида яшовчи Бунёд Сафаров тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб келаётган эди. 2022 йилда кутилмаганда рўй берган бахтсиз ҳодиса сабаб бир оёғидан айрилди.

Бунёднинг спорт билан шуғулланишида сон протезининг ўрни жуда муҳим. Шу сабабдан, унинг яроқсиз ҳолга келиб қолган протезини яқинда туман “Инсон” маркази замонавийсига алмаштириб берди. Эндиликда спортчининг ҳаракатланиши, машғулотлар ва мусобақаларга бориб-келиши янада осонлашди.

Оилали, бир нафар фарзанднинг отаси нафақат спорт билан, балки ҳайдовчилик ва чорва моллари тадбиркорлиги билан ҳам шуғулланади. Албатта, у каби ҳар томонлама фаол ва ишбилармон йигит бошқаларга ўрнак бўлишга арзийди, десак муболаба бўлмайди.

Маълумот ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, “Ғарибшоҳ” маҳалласида 3 минг 442 нафар аҳоли истиқомат қилиб келаётган бўлиб, уларнинг 40 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Маҳалла ижтимоий ходими Севдиёр Хожамов ташаббуси билан 10 нафар фуқаро адаптив спорт турларига жалб қилинган. Жорий йилда бу рақамлар янада ошиши шубҳасиз.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.



Қудрат ЁҚУБОВ, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчиси:

— Кейс очишда қуйидаги ҳолатларда мижознинг розилиги талаб этилмайди: таъйин ва зўравонлик, шу жумладан, бола-ларга нисбатан зўравонлик; шошилинч тиббий ва руҳий ёрдамга мутожлик; муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар; ота-она арамо исиз, аровсиз ва назоратсиз олиб кетган болалар аниланганда; ўз жонига асд олиш э тимоли ю ори бўлганда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шарифа СОБИРОВА, Хоразм вилояти:

— Ижтимоий ходим кейс очганда айси олатларда мижознинг розилиги талаб этилмайди?

Кейс очишда мижознинг розилиги керакми?



ПАРА
ВЕЛОСПОРТ
бўйича Осиё
чемпионатида
Ўзбекистон
терма жамоаси
26 та медалга
сазовор бўлиб,
биринчи ўринни
қўлга киритди.



ЖАВОҲИР
СИНДОРОВ
шахмат бўйича
“Freestyle Chess
Gram Slam”
турнирида
Ҳикару
Накамура
устидан ғалаба
қозонди.



ЖАСУРБЕК
ЖАЙСУНОВ
таеквондо
WT бўйича
“Fujaura
Open-2025”
турнирида
олтин медалга
сазовор
бўлди.

8

№11 | 2025 йил 12 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

“БАҲОР АЛЛЕРГИЯСИ” БЕЗОВТА ҚИЛСА...



Фазилят ИСМОИЛОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
клиник моделлаштириш
кафедраси ассистенти.



Маълумки, инсон саломатлиги жисмоний ҳаракат орқали мустаҳкамланиб боради. Бунинг учун барчага қулай бўлган оммавий спорт турлари бор. Мисол учун, ҳар кун эрталаб 5-10 дақиқа югуриш умрни узайтириб, ишчанлик кайфиятини оширади.

БАДАНТАРБИЯ

ÀÐÊÀ Ì ×ÈÄÀ ÑÀÊÐÀØ
ÑÎ;ÈÈ-Ó×ÓÍ ÔÎÉÄÀÈÈ

Ҳар кун эрталаб мунтазам арғамчида сакранг!
Бир соатлик машғулот учун инсон 1 000 – 1 200 ккал.гача қувват сарфлайди. Шунга кўра, ҳар кун эрталаб мунтазам арғамчи билан сакрасангиз, бир неча километр югургандек бўласиз. Ортиқча вазндан қутуласиз. Машқларни бажариш осон бўлиб, чидамлиликини оширади, шунингдек, юрак-қон томир тизими ва нафас олиш органлари фаолиятини яхшилайдди. Турли мушак гуруҳларини, шу жумладан танангизни фаоллаштиради.

Арғамчида тўғри сакраш машқларини билиб олинг!
Сакраш машқдаги дастлабки ҳолатда арғамчи тананинг орқа қисмида туради. Унинг икки учи қўл қафтлари орасига маҳкам ушланади ҳамда олд томонга юқоридан пастга қараб айлантирилади. Бу жараёнда сакраш тана тик ва тиззалар букилмаган ҳолда 30 сония давомида узлуксиз амалга оширилади. Ҳар бир сакрашда арғамчи икки марта айлантирилиши лозим.

Бунинг учун оёқни полдан 2-4 см. баландликда узиб олинг, полга фақат тоvon тегсин. Арғамчини айлантираётганда, тирсакларингизни танага яқин тутинг. Ҳаракат билак ва сон атрофида бўлсин!

Бўйингизга мос арғамчи танланг!
Машқлар белгиланган натижани бериши учун, аввало, бўйингизга мос арғамчи танланг. Мутахассислар ҳулосасига кўра, 152 см.гача бўйли одам учун 210 см. узунликдаги арғамчи тўғри келади. 152 дан 167 см.гача кишиларга – 250 см., 167 дан 183 см.гача бўлганлар учун – 280 см., 183 см.дан ошқ кишиларга – узунлиги 310 см.ли арғамчи фойдали.

Сакраш техникаси
Энг яхши ва самарали усул – 30 сония давомида бир текисда сакрашдир. Бу тасаввур қилгандан кўра, қийинроқ бўлиши мумкин. 60 сония дам олинг, кейин яна 30 сония сакранг. Ҳаракатни 9 марта такрорланг.

Иккинчи қадамда 30 сония давомида доимий равишда сакраб туринг, оёқларни алмаштиринг, ундаги оғирлиқни ўзгартиришни машқ қилинг. Такрорлашлар орасида 90 сония давомида дам олинг. Бу ҳаракатни 4 марта такрорланг. Учинчи қадамда машқни арқон билан якунланг. 30 сония енгил сакранг, 30 сония тез сакрашни амалга оширишдан олдин атиги 12 сония танаффус қилинг. 30 сония сакрагандан сўнг яна дам олинг.

Қандай ҳолда ва қаерда шуғулланиш лозим?
Кўриб турганингиздек, арғамчида сакраш – бу узоқ тайёргарлик талаб этмайдиган арзон ва самарали фаолият. Машғулот фақат яхши кайфиятни ва кенг хонани талаб қилади, холос. У жисмоний қобилиятни кучайтиради, кундалиқ ҳаётда сизга кўпроқ куч беради.

Шерзод ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги
бўлим бошлиғи.

ИСРОФҒАРЧИЛИК

— Ҳозирги кунда чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқиш катта дабдабозликка айланиб кетяпти. Мисол учун, туғуруқхо-



ТУҒУРУҚХОНА ДАБДАБА МАСКАНИ ЭМАС!

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази:


— Фарзанд дунёга келиши катта хурсандчилик, лекин чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқишни дабдаба қилиб, қатор-қатор машиналарни ёллаш, туққан онани келин қўйлак билан кийинтириш, ортиқча ҳаражат ва исрофдир.

Умр — инсонга берилган энг катта неъмат. Унинг қадрига етган киши ўзидан яхши ном, одамларга фойдаси тегадиган амаллар қолдиради. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “**Енглар, ичинглар, исроф қилманглар. Албатта, Аллоҳ таоло исроф қилувчиларни севмайди**”, деб буюради (Аъроф сураси 31-оят). Исро сураси 27-оятда исроф қилувчилар шайтоннинг биродарлари экани ҳақида огоҳлантирилади. Исроф — ҳаддан ошиш, вақтни, маблағни лойиқ бўлмаган ўринга ёки гуноҳ ишларга сарфлашдир. Исроф — ҳаромдир. Ҳаромга охиратда азоб боради.

Ёш онани турли кўз ва суқларга рўпара қилгандан кўра, маъқул бир суратда уйга олиб келиб, дуо олиш керак. Уша дабдаларга кетаётган маблағ бева-бечорага ёки бирор муҳтож талабага берилса, уларнинг хурсандчилигига сабаб бўлади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, барча касалликларнинг асосий сабаби — жисмоний ҳаракатсизлик ва нотўғри овқатланиш ҳисобланади.



Феруза ТОҲИРОВА,
Саломатлик ва стратегик
ривожланиш институти
бошқарма бошлиғи.

ТЎҒРИ ТАОМЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Дарҳақиқат, таом — инсоннинг ҳаёт фаолияти ва ўсиши учун зарур бўлган қувват манбаидир. Тўғри овқатланиш саломатлиқни мустаҳкамлабгина қолмай, ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг қаршилигини оширади.

Шундай экан, ҳар биримиз юқори ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятини ҳамда узоқ умр кўришни таъминлаш учун қандай тартибда таомланишни билишимиз шарт. Қўйида ана шундай тавсиялар билан танишамиз.

Организм учун муҳим озуқа маҳсулотлари 6 та гуруҳга бўлинади. Булар углевод, оксил, ёғ, витаминлар, минерал элементлар ва сув. Тўғри овқатланиш — ушбу маҳсулотларни мос ва етарли миқдорда қабул қилишдир. Шунини айтиб ўтиш лозимки, ҳеч бир овқат ўз-ўзидан яхши ёки ёмон бўлиб қолмайди. Яқиний ҳулоса: уни қанча миқдорда, қачон ва қанча шароитда истеъмол қилаётганимизга боғлиқ.

Қуйида асосий қоидаларни келтириб ўтамиз:

V Таом истеъмол қилиш жараёнига эътибор ва масъулият билан қараш лозим, овқатланаётган пайтда ҳеч қачон иш ва муаммо ҳақида ўйламав.

V Таомни куннинг маълум бир қисмида ва вақтида истеъмол қилинг. Чунки истеъмол шунга қўникади ва шу вақтга келиб, шира ажратишни қўпайтиради.

V Таомни яхшилаб чайнаб (қамида 15 марта) истеъмол қилган маъқул. Овқат оғиз бўшлиғида қанча кўп турса ва чайналса, ошқозонда шира шунча кўп ажралиб чиқади. Ҳазм қилиш жараёни осонлашади.

V Дастурхон атрофига ҳорғин ёки асабий ҳолда ўтирманг. 10-15 дақиқа олдин

барча муаммоларни унутиб, хотирчанг таомланг.

V Истеъмол махсулотлари турли-туман бўлсин, лекин уни меъёрдан ошириб юборманг.

V Таом билан чой ўрнига шарбат ёки қайнатилган сув ичинг. Чунки чой таркибидаги танин овқатдаги темир моддасини организмга тўлиқ сўрилишига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, овқат билан газли яхна ичимлик истеъмоли тавсия этилмайди.

V Тўрт маҳал овқатланиш мақсадга мувофиқ: кунлик истеъмолнинг 25 фоизини нонушта, 35-40 фоиз — тушлик, 10-15 фоиз — чой ва 25 фоиз — кечки овқат бўлсин. Уйқудан 2-3 соат олдин овқатланг.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 645 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

